

## 2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гурухлари бўйича		
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

Реактив энергиянинг ҳар бир ҳисобот даври учун иқтисодий қиймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий қийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий қиймат доирасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

10 % - реактив энергиядан иқтисодий қиймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси хисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни етарлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томонидан қўллаб-қувватланмаслиги аниқланганда, ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия йўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициенти кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда хисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш хисоб-китоб даврида Шартномада кўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томонидан кувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида “Ўззнергоинспекцияси”нинг тасдиқлови бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармогининг катта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармогининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг бундай режимида ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиги ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдорида белгиланади.

Истеъмолчи:



(ИМЗО)

М.У

Корхона:



(ИМЗО)

М.Ў